ҒАЛАБА БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 105 (5696).
8 МАЙ 1985 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси социализмнинг афзалликларини, унинг жуда катта иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий имкониятларини тўла-тўкис намоён этди. Бу—улуғ Ленин барпо этган Совет давлатининг, энг илғор ижтимоий тузумнинг, социалистик иқтисодий системанинг ғалабаси бўлди.

(КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941 — 1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги тўғрисида»ги қарорidan)

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар олий партия ва давлат арбобларининг 1985 йил 26 апрель куни Варшавада бўлиб ўтган учрашувида совет делегациясининг иш якунларини кўриб чиқиб, тўла-тўкис маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси шуни қайд этиб ўтдики, дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган бу учрашув социалистик ҳамдўстлик мамлакатларини янада жипслаштириш, уларнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини кучайтириш, тинчликсевар ташқи сиёсий йўлни изчиллик билан ўтказиш учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Варшава Шартномасининг амал қилиш муддатини узайтиришга якдиллик билан қарор қилинганлиги қардош иттифоқчи давлатлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга, Европада ва бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш ҳамда мустаҳкамлашга қўшилган янги катта ҳисса бўлди. Социалистик мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий, социал-маданий ва ҳарбий соҳалардаги ҳамкорлигини муттасил чуқурлаштириб бориш бундан буён ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Совет давлати сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб қолади.

Сиёсий бюро мажлисида «ГАЗ» ишлаб чиқариш бирлашмасини техника билан қайта қуроллантириш тадбирлари муҳокама қилинди. Шу тадбирларда Горький автомобиль заводининг ишлаб чиқариш базасини замонавий юқори унумли машина-ускуналарни, шу жумладан қайта созланадиган технология комплексларини, автомат тарзда бошқариладиган линияларни, махсус станоклар ва приборларни жорий этиш асосида янгилаш кўзда тутилади. Белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши юк автомобиллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини анча ошириш, йиғув ишлари ва бошқа ишларга меҳнат сарфини камайтириш имконини беради. Бирлашма ходимлари учун уй-жой бинолари, соғлиқни сақлаш, савдо ва социал-маданий объектлар қурилишини кўпайтириш ҳам планлаштирилмоқда.

Сиёсий бюро нефть ва газ қидириш борасидаги геология-разведка ишларини кучайтириш программасини маъқуллади. Ушбу программага мувофиқ ўн иккинчи беш йилликда янги пармалаш, геофизика ва ҳисоб техникасидан, конларни қидириш ва разведка қилиш оқилона методларидан кенг фойдаланиш асосида чуқур пармалаш ишлари ҳажми анча кўпайтирилади. Бу эса геология-разведка ишлари самарадорлигини ошириш, нефть ва газ саноатининг хом ашё базасини мустаҳкамлаш имконини беради. Кадрларни тайёрлашга, геолог-разведкачиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

КПСС Марказий Комитети нонни ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сарфлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этилиши учун талабчанликни кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда қайд этиб ўтилганидек, партия ва совет органлари, министрликлар ва идоралар қонтролликни бўшаштириб юборганликлари натижасида кейинги вақтларда озиқ-овқат ресурсларидан фойдаланиш тартибини бузиш, колхозлар, совхозлар ва аҳоли чорва молларини боқиш учун савдо тармоқларидан нон ва бошқа маҳсулотларни кўплаб харид қилиш ҳоллари тез-тез содир бўлиб турибди. Кўпгина жойларда партия ташкилотлари нонни исроф этиш фактларига тоқат қилиб келмоқдалар, уларга нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтирмаяптилар, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини суст олиб бормоқдалар. Бу ҳол катта маънавий ва моддий зиён етказмоқда ва чорвачиликни ривожлантиришнинг умумий вазифаларига жавоб бермаяпти. Сиёсий бюро тегишли партия ва совет органларига, министрликлар ва идораларга озиқ-овқат маҳсулотлари сарфлашда тегишли тартиб ўрнатиш, савдо қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, овқат маҳсулотларини исроф қилиш фактларига қатъиян чек қўйиш вазифасини топширди.

Айни вақтда аҳолига сотиш учун ажратиладиган омихта ем сотилиши устидан контролликни кучайтириш ҳамда граждапларнинг шахсий мулки бўлган чорва молларни ем-хашак билан таъминлашда ёрдам бериш тадбирлари белгиланди.

Сиёсий бюро коллектив боғдорчилик ва полизчиликни янада ривожлантириш билан боғлиқ баъзи масалаларни кўриб чиқди. Бунда шу нарса таъкидландики, коллектив боғдорчилик ва полизчилик ишчи ҳамда хизматчиларнинг, пенсионерларнинг кўпгина оилалари учун бўш вақтдан оқилона фойдаланиш формаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олишнинг қўшимча манбаи бўлиб қолди. Аммо бир қанча республикалар, ўлкалар ва областларда коллектив боғдорчилик ва полизчилик билан шуғулланишни истаётган меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжлари ҳозирча тўлиқ қондирилаётгани йўқ. Шу муносабат билан 1986 йилдан бошлаб моддий-техника ресурслари ажратилишини қўпайтириш, коллектив боғлар учун ер ажратилиши ва уларнинг обод қилинишини таъминлаш, боғдорчилик ширкатлари ҳамда полизчилар коллективлари аъзоларига транспорт, савдо ва маиший хизматни ташкил этишни яхшилаш белгиланди. Шу билан бир вақтда боғдорчилик ширкатлари фаолиятининг белгиланган тартибига қатъий риоя этиш ҳамда улардан дачалар қуриш, юлғичлик ва бойлик орттириш учун фойдаланилишига йўл қўймаслик зарурлигига эътибор жалб қилинди.

М. С. Горбачев ва А. А. Громико ўртоқларнинг Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Корея Халқ Демократик Республикаси маъмурий кенгаши Бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Ким Ен Нам билан ўтказган суҳбатлари тўғрисидаги ахборoти муҳокама қилинди. Сиёсий бюро бўлиб ўтган фикрлашувлар икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш, Корея ярим оролида, Осиё ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизлик манфаатларини кўзлаб СССР билан КХДР ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилажагини қайд этиб ўтди. АҚШнинг Осиё — Тинч океан регионидаги милитаристик сиёсатига, Вашингтон — Токио — Сеул ҳарбий-сиёсий блоки тузилишига, Ғарб давлатларининг КХДР тинчликсевар ташаббусларига тўсқинлик қилиш йўли билан Кореянинг парчаланганлигини мустаҳкамлаш йўлидаги уринишларига қаршилик кўрсатиш борасида биргаликдаги куч-ғайратларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачев ва бошқа Совет раҳбарларининг Никарагуа президенти, Сандиночилар миллий—озодлик фронти миллий раҳбарлигининг аъзоси Д. Ортега бошчилигидаги Никарагуа делегацияси билан учрашуви якунларини муҳокама қилди. Бунда Совет Иттифоқи Никарагуа халқининг ўз ватани озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган фидокорона кураши билан бирдам эканлиги яна тасдиқланди. АҚШ маъмурияти давлатлараро муносабатларнинг ҳамма эътироф этган нормаларини қўпол равишда поймол этиб, Никарагуа халқига қарши кенг миқёсдаги иқтисодий агрессияни амалга ошираётган, давлат терроризми сиёсатини ўтказаётган ва шу мамлакатга қарши эълон қилинмаган урушни кенгайтираётган ҳозирги пайтда Никарагуани қўллаб-қувватлаш ва Марказий Америкадаги вазиятни сиёсий жиҳатдан адолатли бартараф этиш манфаати йўлидаги харакатларни қучайтириш аҳамияти яна ҳам кўпроқ ортиб бораётганлиги таъкидланди. Ташқаридан ҳеч кимнинг ҳукмисиз ва аралашувисиз эркин демократик, мустақил ривожланишдан иборат ўз ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Никарагуа билан халқаро бирдамлик эндиликда халқлар тинчлиги, озодлиги ва суверенитети йўлидаги, халқаро ҳуқуқ-тартибот ва БМТ Уставининг энг асосий принципларига риоя этиш йўлидаги муштарак курашнинг ажралмас қисмидир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида иқтисодий ва социал сиёсатга, социалистик ва бошқа дўст мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга, уларнинг планетамизда тинчлик ва тараққиёт йўлидаги актив курашига оид бошқа баъзи масалалар кўриб чиқилди.

-монги газеталарда-

● Франция республикаси ва жабрдийдалари уюшмасининг миллий кенгаши КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевга ва АҚШ президенти Р. Рейганга мактуб йўллади. Француз уруш ветеранлари дунёда авж олиб кетган қуролланиш пойгаси муносабати билан қаттиқ ташвишланаётганликларини изҳор этдилар. Бугун тонгги газеталарда ана шу мактубнинг баёни ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Франция республикаси уруш ветеранлари ва жабрдийдалари уюшмаси миллий кенгашига йўллаган жавоб мактуби эълон қилинган.

● Шонли юбилей — иккинчи жаҳон урушида гитлерчилар фашизми устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев ва Буюк Британия Бош министри Маргарет Тэтчер ўзаро табрик телеграммаларини айирбошладилар.

● Шонли сана —Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеранга йўллаган табрик телеграммаси ҳамда Ф. Миттеранниинг жавоб табриги эълон қилинган.

МУҚАДДАС ХОТИРА

К. П. ДУДИН,

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари.

Эртага совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини тантаналн нишонлайди. Бу воқеанинг оламшумул-тарихий аҳамияти чинакамига бебаҳодир. КПСС Марказий Комитетининг апрель [1985 йил] Пленумида «Совет Иттифоқи, бизнинг партиямиз фашизмни енгган халқларнинг ўлмас жасорати хотирасини ҳамиша муқаддас деб билдилар ва бундан кейин ҳам шундай деб биладилар», деб таъкидланди.

Ўша йиллар хотираси муқаддасдир. Биз Ватанимиз ҳимоясн учун кўксиларини қалқон қилган Улуғ Ватан урушн қатнашчиларининг жасоратларини ҳеч қачон унутмаймиз. Бу КПСС Марказий Комитетида Улуғ Ватан урушн ветеранлари билан бўлиб ўтган учрашувда яна бир бор уқтирнб ўтилдн. Учрашув қатнашчилари ҳарбий-ватанпарварлик ишини такомиллаштирши, ёшларда сиифий онгни шакллантирши, улэрни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализми руҳида тарбиялашга қаратилган бир қанча қимматли фикр-мулоҳазаларни билдирдилар. Авлодлар эстафетасида даврларни боғлаб турган ҳалқалар алоҳида ҳис этнладн. Ижодкор халқимизнинг жасорати давом этяптн.

Урушнинг ўша оғир йилларида ғалабага ҳам фронтда, ҳам фронт орқасидаги интернационал қон-қариндошлик замнн тайёрлаган эдн. Шунинг учун ҳам Тошкентнинг фронт йилларн солномаси аслида халқлар дўстлиги кучн буюклигининг, уларнинг партия ғояларига, улуғ Ленин ишига садоқатларининг солномасидир.

Кўпгина тошкентликлар урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб жанговар ҳаракатларда иштирок этдилар. Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган 300 га яқин ўзбекистонликнинг 93 нафари фронтга Тошкентдан кетган эди. Эртага ҳам намойишчиларнинг байрам колонналарида кўксиларида Олтин Юлдуз ва бошқа жанговар нишонлар порлаб турган қаҳрамонлар саф тортиб ўтишади. Фронт орқасида Ғалабага замин тайёрлаган меҳнат жанггоҳининг ветеранларн ҳам улар билан ёнма-ён сафда бўлишади.


Ўша суронли йилларда республика пойтахтида Тошкент партия ташкилотининг раҳбарлиги остида улкан ҳарбий-ташкилотчилик ишларн авж олдирнб юборилдн. Коммунистлар етакчилигидаги шаҳар меҳнаткашларининг қаҳрамонона куч-ғайратлари туфайли 1941 йилнинг охрига келибоқ Тошкентга эвакуация қилинган ҳамда бу ерда аввалдан мавжуд бўлган корхоналар асосан ҳарбий изга тушириб бўлинди.

Бу жасоратга осонликча эришилгани йўқ. В. П. Чкалов номидаги авиация заводи, «Электрокабель», «Ташсельмаш», тўқимачилик комбинати ишчилари чарчаш нимаligini билмай, нормани 3-4 баравар ошириб бажарнб меҳнат қилишардн. 1943 йилда Тошкент саноати 1940 йилдагидан уч баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқардн.

Ўша йиллар хотраси абадий сақланади. Фронт йилларининг анъаналари: стахановчилик ҳаракати, мураббийчилик ва бошқа кўпгина ватанпарварлик ташаббуслари ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. Бу яқинда «Ғалаба байрамига — меҳнат байрами» шиори остида ўтказилган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик кунида янги куч билан намоён бўлди. Қаҳрамон шаҳарлар: Москва, Ленинград, Волгоград корхона ва ташкилотлари коллективларининг 4 май куни тўла иш сменасида юксак унум билан ишлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бажарилаётган ишларнинг юксак сифатли бўлишига эришиш юзасидан даъват. ти тошкентликлар ўртасида қизғин қўллаб-қувватланиб, ватанпарварлик кўтаринкилиги билан кутиб олинди.

Шанбалик юксак ташкилий ва ғоявий савияда ўтди. Унинг якунлари ҳам шундан далолат бермоқда. Бир кун давомида 9,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шанбаликда В. П. Чкалов номидаги авиация, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ўзбексельмаш», «Главташкентстрой»нинг қурилиш ташкилотлари, кўпгина бошқа ишлаб чиқариш бўлинмалари, илмий муассасалар, институт ва мактаблар коллективлари намуна кўрсатдилар

(Давоми 2-бетда).



● ҚАҲРАМОНЛАРГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК. УЛАРНИНГ ХОТИРАСИ МУҚАДДАСДИР.

● ҲАЁТДА ҚАҲРАМОНЛИК КЎРСАТИШ УЧУН ҲАМИША ИМКОНИЯТ БОР.

●





1. ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

Эртага совет халқи, бутун прогрессив инсоният Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлайди. Совет кишиларининг мардлиги ва матонати мамлакатимизгагина эмас, Европага ҳам фашизм зулмидан озодлик келтирди.

Қаҳрамонлар хотираси қалбимизда мангу яшайди. Совет кишилари Номаълум солдат қабрига таъзим қилишар экан, коммунизм идеалларига содиқ эканликлари ҳақида қасамёд этадилар, Ватанимиз янада қудратли ва кучли бўлиши учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этишга ваъда берадилар.

Советлар мамлакатининг миллионлаб меҳнаткашлари қатори тошкентликлар ҳам Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик кўра бориб, ана шу шонли санага бағишланган социалистик мусобақада фаол иштирок этдилар. Шу кунларда Ўзбекистон пойтахтининг минг-минглаб меҳнаткашлари ана шу сана шарафига қабул қилган юксак мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида фахр билан рапорт бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг ана шу Пленумдаги докладида олға томон ҳаракатимизнинг аниқ йўналишлари белгилаб берилди. КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўра бориб меҳнаткашлар янада юқори марраларни эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар.

ТАРИХНИНГ ҚАҲРАМОНОНА САҲИФАЛАРИ

7 май куни Тошкентда ўтказилган «Хотира куни» қатнашчилари кўз ўнгида Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистон тарихининг қаҳрамонона саҳифалари намоён бўлди. Умумхалқ байрами — Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида уруш ва меҳнат ветеранлари, фронт ва мамлакат ички ишлари қаҳрамонлари, госпиталларнинг собиқ ходимлари, болалар уйларининг раҳбарлари ва тарбиячилари, етим қолган болаларни ўз бағрига олган оналар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари СССР халқлари дўстлиги майдонига келишди.

... Майдон прожекторлар нуридан ёришиб кетди... 41-йилнинг июнидаги сингари динамиклардан фашистлар Германияси мамлакатимизга хиёнаткорона ҳужум қилганлиги тўғрисидаги хабар эшитилади. «Она-Ватан чорлайди!» ва «Қизил Армия жангчиси, қутқар!» деган уруш давридаги ҳаммага таниш плакатлар пайдо бўлади. Театрлашган томоша бошланади.

Жангчилар отрядлари Қизил Байроқ олдида жанговар қасамёд қиладилар ва уларни чорлаётган паровоз гудогини эшитиб платформага борадилар. Экранда даҳшатли уруш йилларининг ҳужжатли кинокадрлари пайдо бўлади. Гитлерчилар Германиясига қақшатқич зарба берган, инсониятни фашистлар асоратидан қутқариб қолган совет халқи жасоратининг улуғворлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи инсценировкалар хроникани тўлдиради.

Шундан кейин бўлиб ўтган оммавий митингда нотиқлар суронли йилларнинг муқаддас хотираси тўғрисида гапирдилар.

Совет кишиларининг ёш авлоди, дейишди митинг қатнашчилари, Ўзбекистоннинг жанг майдонида ҳалок бўлган ўғил-қизлари ёркин хотираси олдида бош эгиб, мамлакат ичкарисида меҳнат қилган кишиларнинг хизматларини чуқур ҳурмат-эҳтиром билан эсга оладилар ҳамда уларнинг жанговар ва меҳнат анъаналарини давом эттиришни, зарбдор меҳнат билан социалистик Ватан қудратини мустаҳкамлашни, тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишни ўзларининг бурчи, деб ҳисоблайдилар.

(ЎзТАГ).

ГДР меҳнаткашларининг байрами

Ўзбекистон жамоатчилиги немис халқининг гитлерчилар фашизмидан халос этилганлигининг 40 йиллигини кенг нишонлади. Тошкентда 7 май куни бўлиб ўтган тантанали йиғилиш Германия Демократик Республикасининг миллий байрамига бағишланди. Йиғилишда ГДР гражданларининг Республикада меҳмон бўлиб турган бир группаси иштирок этди.

Сўзга чиққан кишилар Европа халқларини фашистлар асоратидан халос этган Совет Армиясининг тарихий мисссияси ҳақида, немис диёрида биринчи ишчи ва деҳқонлар давлати ташкил этилганлиги тўғрисида гапирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Совет Иттифоқи ва ГДР халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидлаб, немис дўстларига социализм қурилишида янгиданянги муваффақиятлар тилашдилар.

(ЎзТАГ).

МУҚАДДАС ХОТИРА








2. ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

Ушбу ғалаба кунларида собиқ жангчиларнинг учрашувлари тез-тез ўтказиб турилмоқда. Ёшлик даври окопларда ўтган, жанг майдонларида чиниққан собиқ солдатлар жанг хотираларини эслашиб, бир-бирларининг қўлларини қисишмоқда. Ушбу қувончли кунларгача соғ-саломат етиб келишнинг ўзи катта бахт! Бунн —болаларимиз ва набираларимиз қадрлаши лозим. Улар бугунги кунда ота-боболаримизнинг жасорати туфайли эришилган тинчлик даврида яшашмоқда.

Уруш тугаганига 40 йил бўлди. Жанг майдонидан қайтмаганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойнда ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, дўстлар ҳамон сукут сақлашади. Меҳр билан номаълум солдат қабрига алвон гуллар қўйишади. «1941 — 1945 йилги урушда ҳалок бўлганлар хотираси абадий сақланади!», «Қирғин урушларга қирон келсин. Домбо ер юзида тинчлик, мусаффо осмон бўлсин» — бугунги шиоримиз ана шундай.





[Давоми. Бошн 1-бетда].

Коммунистик шанбалик кунн тошкентликлар томонидан ишлаб топилган 800,9 минг сўмлик маблағ уруш ва меҳнат ветеранлари учун госпиталлар ва касалхоналар қуришга, бу ветеранларга медицина ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга, жанговар шон-шуҳрат билан боғлиқ жойларни ободонлаштиришга ишлатилади.

Коммунистик шанбалик кунн ўзининг ёрқин ифодасини топган ветеранлар тўғрисидаги ғамхўрлик бизнинг бу соҳада олиб бораётган ишларимизнинг далолатидир. Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, улуғ байрам арафасида уруш инвалидлари ва урушда ҳалок бўлганларнинг 300 дан зиёд оилаларн янги, шинам уйлар олишди, кўплаб фронтчиларнинг уй-жой шароитларн яхшиланди. Уруш ветеранларн истиқомат қилаётган жойларда махсус лавҳалар ўрнатилганлиги ҳам характерлидир. Шаҳар партия комитети ветеранларнинг соцнал таъминотини яхшилаш, уларга савдо ва маиший хизмат кўрсатишни такомиллаштириш масалаларини бевосита ўз назоратн остига олдн. Барча уруш инвалидларн ва қатнашчилари, фронтда ҳалок бўлганларнинг оилалари уларнинг турар жойи ҳисобга олинган ҳолда савдо корхоналарнга биркитиб қўйилди. Бугунги кунда бу фахрий харидорларга 60 тадан кўпроқ магазин, шу жумладан Чилонзор ва Фрунзе йирик савдо марказлари, «Тошкент» фирмасининг «Ветеран» магазини, Бош универсал магазин ва Марказий универсал магазин хизмат кўрсатмоқда.

Улуғ Ватан урушн инвалидларн ва қатнашчиларига медицина хизматн кўрсатишни такомиллаштиришга мисоллар келтирар эканмиз бунн ҳаётимизнинг ёрқин кўринишларн деб атаймиз. Уруш инвалидларн ва қатнашчиларидан ўн минглаб кишилар ветеранлар учун махсус госпиталда, ихтисослашган медицина муассасаларн, мамлакатимиз шифохоналарн ва курортларида ўз саломатликларинн тиклашди. Ветеранларнинг машина харид қилиш, улар учун навбатдан ташқарн телефон ўрнатиш ва бошқа талаб-эҳтиёжларнни қондириш масалаларн ҳам партиявий назорат остидадир.

Шаҳар партия ташкилоти ветеранлар билан ишлашни йўлга қўяр экан, энг аввало уларнинг бугунги кундаги талаб-эҳтиёжларини яхшироқ ўрганишга интилмоқда. Улар одатда камтар бўлиб, ўзлари ҳақида кўп гапиришни ёқтирмайдн. Шунинг учун ҳам комсомол ва пионерлар ёрдами билан ҳамма қаҳрамонларнинг номларини аниқлаш, фронтда ҳалок бўлганлар оиласнни топиш, ёрдамга жуда муҳтож бўлганларга кўмаклашиш жуда муҳим эди.

«Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди»—бизнинг бутун серқирра ишимизнинг асосига ана шу муқаддас сўзлар қўйилган эди. Ғалаба арафасида шаҳар партия комитети ҳамда район партия комитетларида Улуғ Ватан урушн қатнашчиларини қабул қилиш маросими ўтказилди. Уруш ва фронт орқаси қаҳрамонларидан ўн минглаб кишилар тантаналн вазиятда Ғалабанинг 40 йиллигни орден ва медаллар билан мукофотландилар. Уруш қатнашчиларнни шарафлаш ҳамда Ватан учун жангларда ҳалок бўлганлар хотирасини ёдга олиш тантаналн маросимларн Улуғ Ватан урушига бағишланган барча ёдгорликлар ва меморналлар олдида ўтказилмоқда. В. И. Ленин номидаги Тошкент олий ўмум қўшин командирлар билим юртини тугаллаб чиққанлар, уруш қатнашчиларн ва курсантларнинг ҳарбий ўқув муассасаларига кириш истагини билдирган юқорн синф ўқувчиларн билан учрашувн қизиқарли ўтдн.

Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган шаҳар илмий-амалий конференцияси шаҳар партия ташкилоти ҳаётида муҳим воқеа бўлдн. Унда идеологик ишнинг муҳим йўналишларн ишлаб чиқилдн, партия ташкилотларн кундалик иши учун амалий тавсиялар берилдн. Конференцияда ҳозиргн давр, шу кун позициясидан туриб Тошкент меҳнаткашларининг душман устидан ғалабага эришиш умумий ишига қўшган ҳиссаларига баҳо берилдн.

Ўша суронли йиллар хотираси учун В. И. Ленин номидагн майдонда, СССР халқлари дўстлигн номидагн майдонда болалар уйларининг собиқ тарбияланувчилари, тошкентликлар оилаларн томонидан асраб олинган болалар, ҳарбий госпиталларда даволанган уруш ветеранларн ҳамда мудофаа заводларн ишчиларн бўлган меҳнат ветеранларининг учрашувн уюштирилдн. Улуғ Ватан урушн йилларида бешта ва ундан кўпроқ боланн асраб олган ва тарбиялаган аёлларин «Қаҳрамон она» ва «Оналик шавкати» медаллари билан мукофотлашга тақдим этиш тўғрисида таклиф киритилдн.

Ғалабанинг 40 йиллигн муносабати билан кўпгина янги шонли анъаналар туғилдн. Уруш ва меҳнат ветеранларн иштирокида Ғалабанинг 40 йиллигн номидагн боғга асос солиш саммий ва тантаналн вазиятда ўтдн. Улуғ Ватан урушн қаҳрамонларн номн билан юритилувчн кўча ва маҳаллаларнинг байрамларн, Ленин комсомолн номидагн боғда ҳалок бўлган комсомоллар ёдгорлигн ёнидагн ёшлар манифестацияси, урушдан хотира бўлиб қолган жойларда ёшлар вахталарнинг ўтказилиши шаҳар аҳолисининг ёдида узоқ сақланиб қолади.

Шаҳарда Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланиб жуда кўп маданий ва оммавий спорт тадбирларн ҳам ўтказиляпти. Уларга олдиндан катта тайёргарлик кўрилдн. 9 Майда шаҳар майдонлари, хиёбонларн ва боғларида профессионал артистлар, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концертлари бўлади. Езги кинотеатрлар ва очиқ майдонларда Улуғ Ватан урушн тўғрисидагн фильмлар намойиш қилинади. Оммавий енгил атлетика кросси ҳамда В. Саломатнн хотираси учун велопойга, «Зарница» ва «Орлёнок» ҳарбий спорт ўйинлари бўлиб ўтади.

Улуғ Ватан урушн қатнашчиларининг Ғалаба куни шаҳарнинг марказий кўчаларн ва проспектларн бўйлаб юриши, меҳнаткашлар намойиши, В. И. Ленин номидагн майдонда меҳнаткашларнинг оммавий театрлаштирилган сайли, В. И. Ленин ҳайкали пойига саватларда гул, Номаълум солдат қабрига ва «Мотамсаро она» меморналига гулчамбарлар қўйилиши, шунингдек Тошкент ипподромида ўтказиладиган ҳарбий-спорт байрами бу қутлуғ айёмнинг энг муҳим воқеаси бўлади.

Биз улуғ байрамнн нишонлар эканмиз, энг аввало унинг бундан буён ҳам давом этавермиш ҳақида ўйлаймиз. Чунки, ўтган уруш тўғрисидагн хотира биз учун мукаддасдир. 40 баҳор аввалги бу Ғалабадан биз коммунистик қурилишда янги ғалаба ва ютуқларимиз учун куч ва илҳом олиб турамиз.

ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИ БИРЛИГИ

ИШЧИЛАР МАДАДИ

1941 йилнинг 22 июнь тонги мамлакатимиз бошига катта кулфат келтирди. Тиш-тирноғигача қуролланган Гитлер Германияси қўшинлари Ватанимиз тупроғига бостириб кирдилар. Барча совет кишилари манфур душманга қарши бош кўтардн, ҳаёт-мамот жанги бошланди.

Ўзбек халқи Совет Иттифоқининг барча халқлари билан бир тан, бир жон бўлиб Улуғ Ватан уруши йилларида жиддий синовларни бошидан кечирди. Партиямизнинг «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса Ғалаба учун» даъвати меҳнаткашлар и м и з-нинг кундалик шиори, иш фаолиятига айланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидаёқ республика халқ хўжалигини қайта қуриш, уни ҳарбий изга солиш ва мудофаа маҳсулотларини кўпроқ етиштириш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарорига биринчилар қаторида «Ташсельмашчи»лар лаббай деб жавоб бердилар

Завод урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳарбий изга тушган эди. «Ташсельмашчи»лар миномётлар учун миналар ишлаб чиқара бошладилар. Заводда ҳаёт кечаю-кундуз қайнарди. Ҳамма бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш, кўпроқ сифатли маҳсулот тайёрлаш учун куч-ғайратини аямасди. Ўша даврнинг зарбдор ишчилари, ёшларнинг саркардаси бўлган Ҳаким Одилов, Қосим Каримов, В. Силантьев, Р. Холиқов ва кўплаб бошқа ёшлар заводнинг пешқадам ишчиларидан ҳисобланардилар.

Металл қуйиш цехи — заводнинг юраги ҳисобланарди. Чунки фронтга жўнатиладиган ўқ-дорн, қурол-аслаҳаларнинг аксари қисми шу цехда тайёрланарди. 1941 йилнинг август ойида заводда ташкил топган конструкторлик бюроси металл қуйиш билан жуда кўп шуғулланди. Конструкторлик бюросини ҳарбий мутахассислар бошқардилар.

Металл қуйиш цехи ишчиларининг кўпчилигини комсомол-ёшлар ташкил этарди. Шулардан Анна Усачева ва Дуся Тарасовалар металл қуйишни бошлаб берганлардан ҳисобланардилар. Улар икки-уч сменада ишлаб фронтга кетган оталари, акалари ўрнини босардилар. Наташа Приходченко бир сменада белгиланган 1000 ўрнига 1500 та стержень тайёрлаб, планни 150 процентдан ошириб бажарди. Бригадир Турди Ҳафизова смена нормасини уч баравардан ошириб бажарарди.

Катталар Ватан ҳимоясига кетганликлари сабабли заводда 14, 15, 16 ёшли болалар ҳам ишлашарди. Дальников, Мишин, Разумов, Платнов, В. Йодушкин, Ливин, Найдин, Тиршков, Раскивалар ана шулар жумласидан эдилар. Улар душманга аёвсиз зарба бераётган оталари, акаларига қурол-аслаҳаларни бетўхтов етказиб бериш мақсадида кунни тунга, тунни кунга улаб зарбдор меҳнат қилардилар. Ўша йилларда завод Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб деб топилиб, партия, ҳукуматимизнинг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланганди. 100 га яқин киши орден, 5800 дан ортиқ киши «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди.

Завод ёшлари фронт орқасини мустаҳкамлаш, Қизил Армияга қурол-аслаҳа етказиб бериш билан бирга жангчиларга совға-салом, пойафзал, иссиқ кийим юборишда ҳам намуна кўрсатдилар. Заводдаги ёшларнинг мураббийси Мустақим Юсупов Сталинград жангчиларига, Акбар Нурмуҳамедов қамалдаги ленинградликларга, Шоали Шоғалиев эса 12-армия жангчиларига совға-салом элтиб берганлар. «Ташсельмаш»чилар Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидаёқ душманни қақшатган ўз ишчилари— Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари В. И. Синицин, Б. Е. Тихомоловлар ва бошқа баҳодир фарзандлари билан фахрланадилар.

Буюк Ғалабанинг шонли 40 йиллигига қизғин ҳозирлик кезларида «Ташсельмашчи» л а р зарбдор вахтада турнб, фидокорона меҳнат қилдилар. Буюк сана шарафига ўзаро социалистик мусобақа кенг тус олиб 14-гальваника цехи, 22-йиғув цехи ва 36-ремонт-қурилиш цехининг меҳнат коллективлари ҳамда Р. Рихсиева бошчилик қилаётган бригада аъзолари Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига янги ташаббус билан чиқдилар. Бундан ташқари, бригада коллективи ўзбек халқининг атоқли саркардаси, генерал Собир Раҳимовни бригада аъзолари сафига киритиб, унга тегишли иш ҳақини мунтазам Тинчлик фондига ўтказишга қарор қилдилар.

Завод фидокорлари ҳозирги тинч, осойишта даврда ҳам жасорат кўрсатмоқдалар. Зарбдор меҳнат билан мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қувватини янада мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Л. ҲАМРОЕВ,
Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

БУЮК

Билиб қўйган яхши

ЯГОНА ВАҚТ ХИЗМАТИ

Мамлакатимизда Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ аниқ вақт билан таъминлаш мақсадида ягона Вақт хизмати ташкил этилган, у бир нечта астрономия обсерваторнясини бирлаштирарди. Ҳозирги пайтда бу хизматнинг вазнфаси тубдан ўзгарди. Вақтнинг атом эталонлари яратилиши билан, вақтни белгилашда ғоят юксак аниқликка эришиладиган бўлдн. Вақтнинг атом эталонлари 10.000 йил.да атиги 1 секундга янглишиши мумкин.

Уруш даврида эса аҳвол бирмунча бошқача эди. 1941 йилда суткадан — Ернинг ўз ўқи атрофида айланиш давридан вақт эталони сифатида фойдаланилардн. Ҳар бир вақт лабораториясида юксак аниқликдаги соатлар бор эди. Уларнинг юришидаги хатоликлар астрономик методлар билан белгиланарди. Бу хатоликлар тузатилгандан кейин аниқ вақт сигналларини эфирга бериларди. Урушнинг дастлабки ойларн фашист-босқинчи л а р мамлакатнинг Европа қисмидаги астрономия обсерваторнялари н и вайрон қилишди.

Мамлакат учун оғир бўлган мана шу даврда аниқ вақт билан таъминлаш бўйнча барча ишлар Тошкент астрономия обсерваторнясн ходимлари зиммасига тушди. Тошкентлик астрономлар ўз бурчларини шараф билан бажардилар: армия, авиация ва флот учун муҳим аҳамиятга эга бўлган аниқ вақт сигналларини бериш бир кун ҳам тўхтаб қолмади.

Астрономия институтнинг музейида ўша оғир йилларда вақтни аниқлаб берган соатлар бебаҳо ёдгорлик сифатида сақланади. Бу соатлар билан қизиқ ҳодиса рўй берган. Улар Рифлер конструкциясига биноан тайёрланганди. Бу конструкцияда юришдаги хатоликни камайтириш мақсадида соатнинг механизми ва маятниги махсус ойна баллонга жойланарди. Унинг ичида ҳаво бўлмасди. Бир кун иш қизғин пайтида бу баллон синиб қолди. Уни металл баллон билан алмаштириш учун уриниш муваффақиятли бўлмадн. Уруш йилларн ойна баллоң буюртиришнинг имкони йўқ эди. Шунда вақт лабораторияси мудири В. П. Шчеглов (кейинроқ Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги) маҳаллий чегачи усталарга ёрдам сўраб мурожаат қилди. В. П. Шчеглов устага қандай муҳим ва масъулиятли ишни бажарнш лозимлигини тушунтирди. Асрлар мобайнида тўпланган тажриба қўл келди: уста баллончи жуда боплаб чегалаб, чокларига 30 та чега қўйди. Шундан кейин баллон қадимгидек бўлди. Унинг ичига қўйилган соатлар бутун уруш мобайнида яхши ишлади. Афсуски, муҳим ишни бажарган чегачи устанинг номи номаълум бўлиб қолди.

Архив ҳужжатлари ва музей экспонатларини кўздан кечириб шуни айтиш мумкинки, бизнинг ҳамкасбларимиз ва ҳамшаҳарларимиз ўз бурчларини сидқидилдан бажариб, душман устидан қозонган Буюк Ғалабамизга муносиб ҳисса қўшишди.

Ш. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси астрономия институтининг илмий ходими, физика-матема т и к а фанлари кандидати.

Назария масалалари

ҒАЛАБАМИЗ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАҚИҚАТ

Барча совет халқи, бутун прогрессив инсоният Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини тантаналн нишонламоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги тўғрисида»ги қарорида шу нарса таъкидлаб, ўтилдики, Улуғ Ватан урушининг сабоқлари сўнмас аҳамиятга эгадир. Бу сабоқларнинг энг муҳими шундан иборатки, уруш бошланмасдан аввал унга қарши курашмоқ керак. Халқларнинг ҳушёрлигини ошириш, социализм ғалабаларини ардоқлаб сақлаш ва кўпайтириш зарур. Реакцион империалистик доиралар, энг аввало Америка Қўшма Штатларидаги империалистик доиралар тарих сабоқларини писанд қилмай, қуролланиш пойгасини тўхтовсиз кучайтираётган, зўравонлик позициясида туриб, суверен давлатларни ўз измига юритишга интилаётган бир пайтда шундай қилиш, айниқса, муҳимдир.

Империализм идеологлари Совет Иттифоқининг Буюк Ғалабаси тўғрисидаги ҳақиқатни ёш авлоддан яшириш учун тиш-тирноғи билан уринмоқда. Буржуа тарихчилари, ёзувчи ва журналистлари реакцион империалистик кучларнинг социал буюртмасини бажара бориб, бу Ғалаба тарихини қасддан бузиб кўрсатмоқдалар. Уларнинг ниятлари аниқ. СССР ва унинг Қуролли Кучларининг тобора ўсиб бораётган халқаро обрўсига раҳна солиш, революцион ҳаракатга халақит бериш, унинг айрим отрядлари ўртасига нифоқ солиш, социалистик мамлакатлар бирлигини ва улар армияларининг ҳамдўстлигини бўшаштиришни хом хаёл қилмоқдалар.

Айни пайтда улар империализмни, яъни урушнинг асосий айбдори бўлган империализмни ва унинг ҳозирги реакцион сиёсати моҳиятини, АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари агрессив режаларини хаспўшлашга уринмоқдалар.

Етакчи капиталистик мамлакатларнинг сиёсатдонлари ва тарихчилари кўп йиллардан бўён ана шундай кўпорувчилик ишлари олиб бормоқдалар. Гап, энг аввало тўртта ана шундай қўпорувчилик марказлари: Америка, Англия, Ғарбий Германия ва Япония марказлари ҳақида бормоқда. Масалан, Пентагонда иккинчи жаҳон ва Улуғ Ватан уруши тўғрисидаги бутун бир комплекс «асарлар» яратилганки, улар сони 100 томдан ошиб кетади. Англияда эса Буюк Британия министрлар кабинети қошидаги тарих секцияси томонидан тайёрланган, иккинчи жаҳон уруши тарихининг 80 томлик расмий нашри ҳам ана шундай қабиҳ ишлар қаторига киради. Японияда 86 томлик «тарих» нашр этилди. У Япония миллий мудофаа бошқармаси томонидан тайёрланган. Бу ва бошқа расмий уйдирма «асарлар»да реакцион пропагандининг афт-ангори яққол акс этган.

Ҳўш, Улуғ Ватан уруши тўғрисида буржуазия нималарни вайсамоқда? Унинг конкрет мазмуни нималардан иборат? Улуғ Ватан уруши тўғрисидаги ҳақиқатни улар қандай яширмоқдалар ва уни қандай типик усуллар билан бўяб-бежамоқдалар? Буларнинг ҳаммаси нима учун қилиняпти?

Буюк Ғалабамизнинг жаҳоншумул тарихий аҳамияти ана шу саволларга берилган жавобларда яна ҳам аниқроқ намоён бўлади, ҳозирги шароитлардаги кескин идеологик кураш сабаблари очилади. Бу саволларга жавобларда буржуа олимларининг ёлғон-яшиқлар, бўҳтонлардан иборат бутун «фаолияти» нақадар шармандалиги аён бўлади.

Ҳозирги босқичда миллиардлаб кишиларнинг онги ва қалблари тинчлик учун курашаётган бир пайтда инсониятнинг келажаги муайян маънода мана шу идеологик курашнинг моҳиятига ҳам боғлиқ, албатта. Негаки, социалистик жамият, унинг афзалликлари, унинг тинчлик сиёсати тўғрисидаги ҳақиқатни жонли ва ишонарли формада ер юзидаги кенг халқ оммасига сингдириш жуда катта роль ўйнайди. Бунда империалистик пропагандининг ёлғон-яшиқдан иборат қўпорувчилик фаолиятини фош этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Буржуа тарихчилари ёздираётган игво ва бўҳтонларни асосан қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин. Биринчидан, фашистлар Германиясининг СССРга ҳужуми сабабларини бузиб кўрсатиш ва Совет Иттифоқининг урушдан олдинги сиёсатини қоралаш. Иккинчидан, СССРнинг фашист-агрессорлар устидан қозонилган Ғалабага қўшган ҳал қилувчи ҳиссаси ва Совет Армиясининг улуғ халоскорлик миссиясини камситиб кўрсатиш. Учинчидан эса, агрессорлар устидан СССР қозонган Ғалабанинг муҳим омили бўлган социалистик тузум афзалликлари ва бу Ғалабанинг ижодкори ва ташкилотчиси бўлган Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли ҳақида индамасликдан иборат.

Ана шу йўналишларда олиб борилаётган «фаолият»ни 1982—1983 йиллардаги баъзи «асар»ларда яққол кўриш мумкин. Улуғ Ватан уруши давнда совет-француз муносабатлари ҳужжатларининг иккинчи томи чоп этилди. Улар жами 6 том: 2 томи Совет-Англия муносабатларига, яна икки томи совет-француз муносабатларига бағишланган. Улуғ Ватан уруши даврида Совет-Америка муносабатларига доир энди яна икки томини чиқариш кўзда тутиляпти.

Совет тарихи фани қанчалик йирик муваффақиятларга эришган сайин, унинг халқаро обрўси янада ўсган сайин буржуазия тарихчиларининг Улуғ Ватан урушини сохталаштиришга қаратилган асосий йўналишлари тобора яққолроқ фош бўлиб боряпти.

Келинг, бир статистика маълумотларига мурожаат қилайлик.

Иккинчи жаҳон ва Улуғ Ватан уруши бўйнча Ғарбда нашр этилган китоблар ва бошқа нашрлар, кино телефильмлар ва радиоэшиттиришлар миқдори беҳад кўпайиб кетган. Кўп йиллар муқаддам фақат китоблар номларининг ўзигина юз мингдан ошиб кетган эди. Уларнинг ҳаммасини санаб чиқиш қийин, албатта.

Кейинги маълумотлардан маълумки, биргина Америкаиинг «Пикоп — пресс» нашриёти 1978 —1983 йилларда 80 та китоб нашр этди. Англияда эса 1980—1983 йилларда ҳар йили иккинчи жаҳон уруши тўғрисида 200 тагача китоб нашр этиб борилди.

Германия Федератив Республикаси 1979 йилда иккинчи жаҳон урушидаги ўз тарихига доир «Герман рейхи ва иккинчи жаҳон уруши» деган мавҳум ном остида китоб нашр этди.

70-йилларнинг иккинчи ярми ва саксонинчи йилларнинг бошларида антикоммунизм тўлқинида «совет ҳарбий хавфи» сафсатаси авж олдирилди ғайри-табиий номлар билан нашр этилган китобларда уруш йилларидаги Америка-Совет муносабатларига эътибор қаратилган. Бу муносабатлар моҳияти бузиб кўрсатилган. Бу ерда бошқа бир нарсани таъкидлаб ўтиш муҳимдир. «Янги ўнглар мактаблари» деб номланган ғаламислар уруш йилларида антигитлерчилар коалициясини бузишга, СССРни яккалаб қўйишга, фашистик Германияни эса тор-мор қилинишдан сақлаб қолишга уринган АҚШ катта бизнеси сиёсатдонлари, ҳарбий намояндалари ва раҳбарларидан эстафетани қабул қилиб олганга ўхшайдилар.

Сохтакорларнинг нияти Марказий Разведка Бошқармаси ва бошқа қўпорувчилик марказлари иштирокида турли бўҳтонлар уюштириш, Совет Иттифоқи обрўсига раҳна солишга қаратилган.

Марказий ва Жанубий-Шарқий Европада социалистик давлатларнинг мустаҳкамланиши империалистларга айниқса ҳуш ёқмаяпти. Реакцион тарихшунослар халқ революцияларн бўлиб ўтган, меҳнаткашлар ҳокимияти ўрнатилган бу мамлакатлардаги социал-иқтисодий ўзгаришларни ички қонуният самараси эмас, балки советларнинг таъсири натижаси, деб кўрсатишга уринмоқдалар.

Америка тарихчиси Хоу безбетларча шундай дейдики, гўёки Қизил Армия Совет ҳокимиятини қарор топтириш учун бу мамлакатларда ўзининг барча қўшин, қурол-ярог, моддий ресурсларидан фойдаланган эмиш.

Шу нарса маълумки, бир қатор мамлакатлар территорияларида совет қўшинлари бўлганига қарамай Норвегия, Австрия, Дания, Эрон, Финляндияда ҳозир ҳам буржуазия тузуми ҳукмронлик қилмоқда. Айни пайтда эса совет қўшинлари бўлмаган бошқа бир қатор мамлакатларда —Албания, Вьетнам, Кубада революцион ўзгаришлар рўй берди. Европа ва Осиёдаги бир қатор мамлакатларда ҳам революциялар рўй берди.

Шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, Совет Армияси томонидан фашист вермахтининг тор-мор этилиши Европа ва Осиёнинг бир қатор мамлакатларида революцион ситуациянинг ривожланиши учун асосий ташқи сиёсий шарт-шароит яратди. Бу мамлакатларнинг Коммунистик партиялари ўз синфий манфаатлари учун курашда, меҳнаткашларни бирлаштириш борасида урушдан олдинги тажрибасига таянib, миллий фронтларни яратиш ва мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этдилар.

Марксизм-ленинизм революцияни экспорт қилиш тўғрисидаги тезисни қатъиян рад этади. Аммо ҳамиша миллий ва социал-озодлиги учун курашаётган халқлар билан синфий биродарлик принципларини ҳаётга тадбиқ этиш зарурлигини таъкидлайди.

Шу принципга мувофиқ равишда КПСС ва Совет ҳукумати ва бутун совет халқи ўз синфий биродарларини халқаро ишчилар ҳаракатида ва миллий-озодлик курашида қўллаб келди ва қўллайверади.

Иккинчи жаҳон урушининг айбдори ким? Совет Иттифоқига ҳужум қилган гитлерчилар режаси қандай содир бўлган? Янги урушнинг олдини олишда прогрессив кучлар кураши билан узвий боғлиқ бўлган бу муҳим масалалар буржуа адабиётида икки хил йўл билан талқин этилади. Улар уруш учун асосий айбдор Гитлер деб

Сўнмас у кунлар шуҳрати



ЖАСУР САРКАРДА

Собиржон ОХУНЖОНОВ,
генерал-лейтенант.

Маршал К. К. Рокоссовский генерал-майор Собир Раҳимов ҳақида шундай деган эди:

«Иккинчи Зарбдор Армия қўшинлари олдига Нейенбург районида Висла дарёсидан кечиб, ғарбий соҳилда ҳужумни давом эттириб, душманнинг мудофаасини емириш ва шундай қилиб, ҳужум давомида дарёнинг шарқий соҳилидаги Грауденц шаҳри ва қалъасини ишғол қилиш вазифасини қўйган эди.

Биз генерал-лейтенант Анисимовнинг 98-корпусини мудофаада қолдириб, бошқа икки корпус билан чап ёнга қараб силжидик.

65-армия составидан генерал-майор Собир Раҳимов қўмондонлигидаги 37-гвардиячи ўқчи дивизия бизга берилди. Мен биринчи ўзбек генерали ҳақида илгари ҳам эшитиб, у билан танишиш орзусида эдим. Аммо генерал-майор Собир Раҳимов билан тез орада ҳайрлашишга тўғри келди. Раҳимов мен билан хайрлашиш учун команда пунктига келди. У шинелини ечди, гимнастёркасида Суворов ордени, тўртта Қизил Байроқ ордени ва Қизил Юлдуз ордени ярқираб турарди».

Генерал-майор Собир Раҳимовнинг жанговар хизматлари жуда кўп. 1944 йил 31 декабрдан янги йилга ўтар кечаси бўлган воқеа ҳеч унутилмайди. 25 кундан кейин тарихий «Висла» операцияси бошланиши керак эди ва бу операцияда генерал Раҳимовнинг гвардиячи дивизияси жуда муҳим ва жуда масъулиятли вазифани бажариши лозим эди. Мана шунинг учун ҳам генерал-полковник Батов генерал Раҳимовнинг олдига борди. Бу муҳим вазифани бажариш учун унинг штаби ва қисмилари нима қилаётганини кўздан кечирди ва жанговар ишларни учун дивизияга берилган орденни топширди.

Грауденц қалъасининг кўп сонли гарнизони Раҳимовга бош эгди, таслим бўлди. Шаҳар гитлерчи газандалардан тозаланди, қалъа эгалланди. Гвардиячи дивизия ғалаба қилди ҳамда шуҳрат қозонди.

Қўшинларимиз Данциг қалъасини қамал қилиш, душман қўшинларини тезроқ қириб ташлаш учун, ғарбга — Берлинга қараб юришга ошиқар, Германия пойтахтида ғалаба байроғини ўрнатишга интилар ҳамда башариятга тинчлик ва осойишталик бериш учун шошиларди.

Қўшинларнинг чап қанотида генерал Раҳимовнинг гвардиячилари ҳужум қилиб борар эди. Генерал-полковник Батов бу сафар ҳам Раҳимовга энг оғир участкани топширган эди. Раҳимов душман қаршилигини енгиб, ўз қисмларини маҳорат билан танклар, дала тўплари, денгиз бўйи замбараклари ва пиёда қисмларига қарши ҳужум жангига олиб борди.

Генерал Собир Раҳимов ўз қисмларининг олдинги сафида эди.

— Ўрмон ёқасига чиқдим. Шаҳар кўринмоқда. Раҳимов генерал-полковник Батовга эфир орқали ана шундай хабар юборди.

Яраланган йиртқич душман қаҳр-ғазаб билан олиша бошлади, портлаш, чанг-тўзон ер-кўкни қоплади. Раҳимовчилар ажал ғовларидан хатлаб қадам-бақадам олдинга, шаҳар томон юра бошладилар.

Раҳимов кузатув пунктидан жангни бошқарарди.

— Гвардия, олға!— генерал рация орқали полк командирларига буюрди. Шу пайт катта куч билан снаряд портлади. Кема артиллериясининг оғир снаряди тўғри дивизия командири турган кузатув пунктига келиб тушди.

1945 йил 26 март куни худди соат 15 да Раҳимовнинг ҳалок бўлгани тўғрисида совуқ хабар келди.

Раҳимов чўзилиб ётибди... унинг пўстини ва қоракўл телпаги қизил қонга бўялиб кетган... у, боши Данциг томонда, бутун борлиғи билан олдинга интилаётгандек ажойиб тарзда ётарди. Унинг қўллари чўзилиб, ҳужум объектларини кўрсатаётганга ўхшар, аммо жонсиз эди.

Жанговар дўстлар жанг майдонида, севимли генерал ҳалок бўлган жойда тўпландилар. Улар саф тортиб сукутда автоматларини маҳкам ушлаганларича, қаҳр-ғазаб ва қасос ўтида ёниб турар эдилар. Уларнинг кўзлари чақнар, ўч олиш учун янги жанглар сари интилишарди.

Гданьскдан бир неча километр нарида жанговар дўстлар — гвардиячилар ўз генералларикомандирлари билан видолашдилар.

Генерал-полковник Батов охирги видолашув нутқи сўзлади. Ундан сўнг солдат ва офицерлар гапирдилар.

— Ўртоқлар!— гвардиячиларга мурожаат қилди армия сиёсий бўлими бошлиғи.— Биз ўзбек халқининг шонли фарзанди, қўрқмас совет офицери, дивизия командири, гвардиячи генерал Собир Раҳимовнинг сўнгги йўлга кузатаяпмиз. Унинг ҳақиқий гвардиячи сиймосида: сўз, кулги, ҳазил, буйруқ мужассам эди. Довюраклик, тадбиркорлик, мардлик унинг жангларда энг кўзга кўринган ўзига хос хусусияти эди. Собир Раҳимовнинг ёркин сиймоси бизнинг қалбларимизда абадий яшайди. Ватан унинг номини ҳеч қачон унутмайди. Ватаннинг содиқ фарзанди, севимли жанговар генералимиз ва дўстимиз ўлимни ҳаққи фашист жаллодларидан ўч олишга қасамёд қиламиз!

— Қасамёд қиламиз!— гвардиячиларнинг гулдурос садолари янгради.

Салют бонг урди. Гвардиячилар чуқур қайғу ичра эгилган бошларига каскаларини кийдилар. Узоқ-узоқлардан гумбурлаш садолари эшитилиб турарди.

Ҳамманинг ҳам фикри бир — душмандан қасос олиш, ҳужумга бориш керак.

Шу заҳоти Данцигга ҳужум бошланди. Гвардиячиларнинг даҳшатли ҳужумига душман бардош беролмади. Штурмнинг биринчи соатиёқ ғалаба келтирди. Гвардиячилар душманнинг сонсаноқсиз ўликлари устидан юриб шаҳарга киришдилар. Данциг таслим бўлди.

Генерал Раҳимовнинг содиқ солдатлари ўз меҳрибон генераллари учун душмандан шундай қасос олдилар.

Собир Раҳимов биринчи Белоруссия фронтининг қўшинлари билан биргаликда Барановичидан тортиб Белостоккача шонли йўлни босиб ўтди. Унинг дивизияси Барановичи, Слоним, Белосток ва Грауденцга биринчи бўлиб бостириб кирди. Генерал Раҳимов дивизияси Совет Иттифоқи Маршали Рокоссовский қўмондонлиги остида Белоруссия ва Польшани озод қилишда иштирок этди. Шарқий Пруссияда немис-фашист қўшинларини тор-мор келтиришда ва Гданьск шаҳри ҳамда қалъаси учун бўлган оғир жангларда қатнашди.

Гвардиячи дивизия ўзининг оғир, жанговар йўлини ғарб томон давом эттирди. Навбат — Берлинга. Уларга иродали, катта қалб эгаси бўлган инсон — Собир Раҳимов руҳи ёр эди.

Генерал Раҳимов командирлик қилган шавкатли дивизия икки марта Қизил Байроқ ордени билан, Суворов ва Кутузов орденлари билан мукофотланди.

***

● БИЗНИНГ ФОТОАРХИВИМИЗДАН.
СУРАТДА: генерал Собир Раҳимов артиллерия қўмондони, гвардия полковниги Руденко билан штаб картасини кўздан кечирмоқда.
1945 йил.

ЖАНГГОҲЛАРДА ЯНГРАГАН ШЕЪРЛАР

Ўзбек халқининг севимли адиб ва шоирлари жанговар қаламни Улуғ Ватан урушн йилларида бамисли олисга отар замбаракдай душман бошига мардона мисралар ёғдирнб, жангчиларимизни мудом зафарли юришларга руҳлантирнб турди. Биз қуйида ана шундай забардаст ижодкорларимиз қаламига мансуб бўлган машҳур шеърлар гулдастасини оқшомхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Ҳамид ОЛИМЖОН.

ҚЎЛИНГГА ҚУРОЛ ОЛ!

Ҳаёт қайнаб тонг туманида,
Кўз илғамас эл ўрмонида,
Зўр ўлканинг қайноқ қонида
Ҳукм сурар сафарбар бир ҳол,
Қўлингга қурол
ол!

Кўрсин десанг жаҳонни кўзим,
Ўссин десанг боғимда узум,
Умид билан ўстирган қизим
Десанг агар, бўлмасин увол,
Қўлингга қурол
ол!

Бўлсин десанг дунё сенга кенг,
Қолсин десанг қўлингда эркинг,
Бўлай десанг сен одамга тенг,
Бўлмай десанг ёвларга ҳаммол,
Қўлингга қурол
ол!

Олай десанг фашистдан қасос,
Қўлингга ол қилич ва олмос,
Яғринигга винтовкани ос!
Қолмай десанг айтишганда лол,
Қўлингга қурол
ол!

Юрса агар томирда қонинг,
Азиз бўлса бир парча нонинг,
Керак бўлса номус, виждонинг,
Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол
Қўлингга қурол
ол!

Жон юртингга босиб келган ёв
Тоғларингда қилолмасдан ов,
Сен қувганда пиёда, яёв
Қочсин десанг гўё қорамол,
Қўлингга қурол
ол!

1941 йил.

Мақсуд ШАЙХЗОДА.

КАПИТАН ГАСТЕЛЛО

Умрлар бўладики,
Тиригида ўликдир;
Ўлимлар бўладики,
Ўлган одам тирикдир.
Тарихчи ёзар экан —
Улуғлар айёмини,
Капитан Гастеллонинг
Унутмайди номини.
Ўша кун Гастеллонинг
Кўп қирди самолёти,
Ёвга тобут бўлганди
Осмоннинг булути.
Шер юракли бу лочин
Қоқиб қанот-қулочин
Қузғунлардан асради
Элнинг хотни-халожин.
Калхатларнинг
бағрига
Қизил ўқлар ёғдирди,
Безбет
босқинчиларнинг
Кўзида хавф туғдирди.
Бирмунчаси қочдилар
Баланд демай,
паст демай
Гастелло зарба урар
Қирмагунча бас демай
Лекин ҳужум чоғида
Оловланди самолёт,
Гастеллони ўради
Қуювчан қирмизи ўт.
Оловлар ялар эди
Ҳатто қошу қирғини,
Қўнмоқни истамасди
Пастга, ерга у лекин...
Чунки ерни изларкан
Унинг қизғин нигоҳи,
Кўринади бир қатор
Душманнинг
қароғоҳи.
Мард фаҳмида туғилди
Ғаяримга асир тушмак
Ботир учун не ярар?
Ўлмакликнинг ўзи ҳам
Зарба бўлсин
душманга,
Енаётган қушнинг
Шўнгитди ёв томонга.
Яна бир он, бир зарба:
Қозонларга тўқниди,
Бу тўқниш зарбидан
Портлаб кетди ёқилғи.
Ёнаётган машина
Бензинларга дуч
бўлди,
Ловиллаган даҳшатдан
Машиналар пуч бўлди.
Ҳалок бўлди Гастелло
Жангда марди
мардона,
Ҳалокининг ўзи ҳам
Зафарларга тарона.

●

Умрлар бўладики,
Тиригида ўликдир,
Ўлимлар бўладики,
Ўлган одам тирикдир...
Мен яшамоқ истайман
Бир асрча муттасил,
Аммо ўлсам розиман.
Гастеллодай мард,
асил.
1941 йил.

УЙҒУН.

ЎЗБЕКИСТОН

Эй муқаддас гул диёрим, гулшаним, жоним менинг,
Мен сенинг бағрингда ўсдим, йўқдир армоним менинг.
Сен билан ўтмоқда шодон ҳар кун, ҳар оним менинг.
Жон фидо бўлсин сенга, эй Ўзбекистоним менинг.
Шуҳрати оламни тутган шавкатим, шоним менинг.

Тупроғинг олтин, тошинг гавҳар, қўминг гўёки дур,
Юксалар гул боғларингдан кўкка соз, кулку, сурур,
Босмагай кўксингни ҳеч зулмат, яшайсан мангу ҳур,
Соҳди зўр Ленин қуёши бахтиёр бошингга нур,
Эй, саодат парвариш қилган гулистоним менинг.

Пахта, мева, қанд, асал, чабгул, ипак, донинг сара,
Аслаҳа, жабдуқ, қилич, тулпор ва қалқонинг сара,
Жангда ҳам меҳнатда олган шавкатинг, шонинг сара,
Кўп фазилатларга тўлган бебаҳо коним менинг.

Кенг, улуғворсан: Ҳазар, Болтиқ, Азов баҳринг сенинг;
Чув, Днепр, Сир, Зарафшон, Нева, Дон наҳринг сенинг;
Андижон, Харьков, Қозон, Ленинград шаҳринг сенинг,
Москва севган диёринг, Москва фахринг сенинг,
Бағри поёнсиз маконсан Ўзбекистоним менинг.

Қилгали гулшанларингда бахтли инсонларни ов,
Қул қилай, деб йўлларингга солмоқ истаб қонли гов,
Қон ичиб, ўт ёқдириб, даҳшат солиб келганда ёв,
Жангга кирдинг қўлда шамшир, ёвни қирдинг беаёв,
Ҳамла қилдинг ит фашистга жангда арслоним менинг.

Қолмасин ёвдан нишон, ирғит жаҳаннам қошига,
Боқма оҳу-зорига, раҳм айлама кўз ёшига,
Қилмасин қайтиб ҳавас, ур, ўхшатиб сол бошига,
Ур, илон кулпарча бўлсин, ур разолат тошига,
Деб буюрди сенга донишманд қўмондоним менинг.

Енгасан, доҳий қўмондон, жангда бардошинг билан,
Украинлар, донлилар, кавказлик қардошинг билан,
Арманн, қирғиз, қозоқ ҳам бошқа йўлдошинг билан,
Ҳам улуғ рус халқидай мардона қўлдошинг билан,
Ўчмагай, тарихда қолгай шонли давроним менинг.

Жанг тугар, жангдан бўшарсан, дам олар онинг келар,
Ўйнатиб тулпорни ғолиб уйга арслонинг келар,
Севганинг, ўғлинг, жигаргўшанг азиз жонинг келар,
Тўй қиларсан — ҳар тарафдан кўп қадрдонинг келар,
Қутлабон бахтингни куйлар шунда достонинг менинг.

1943 йил, февраль.

ҒАЛАБА



Шонли санага бағишлаб

ҚУТЛОВ

Собир Раҳимов районидаги Мевазор маҳалласида Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб «Ғолиб жангчиларни қутлаймиз» байрам кечасига шу маҳаллада истиқомат қилувчи Улуғ Ватан урушн қатнашчиларидан 40 дан ортиқ киши таклиф қилинди.

Ленинград қамали иштирокчиси, уруш ветерани Абдулла Қодиров мамлакатимиз халқларининг мисли-сиз матонати ҳақида ҳаяжон билан гапириб берди.

Йўлдош Охунбобоев номли ёш томошабинлар театри, М. Қорнёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси санъаткорлари ва бир қатор маданият уйларининг ҳаваскорлари жангчилар шарафига атаб концертлар бердилар. Қаҳрамонларга Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги медаллари ва қимматли совғалар топширилди.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

● КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

МАНГУ ЖАСОРАТ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси коллективи шонли санага бағишлаб катта китоб кўргазмаси ташкил этди. «Тинчликни сақлаб қолдик, тинчликни сақлаб қоламиз» деб номланган бу кўргазмада рус ва ўзбек тилларида минглаб яқин китоблар қўйилган.

Экспонатлар Москва остоналаридаги, Волгадаги машаққатли курашлар, Кавказ, Украинани озод қилишда совет қўшинларининг олиб борган мислсиз жасоратн ҳақида ҳикоя қилади, адабиётлар диққатни жалб этади.

Д. ТУРДИЕВ.

эълон қилиниб, урушнинг келиб чиқишига Совет Иттифоқини ҳам айбдор қилишга уринадилар. Бунинг ғирт сафсаталиги эса аён.

Совет тарихи фанининг катта хизмати шундан иборатки, иккинчи жаҳон уруши бошланишининг ҳақиқий сабабчиси халқаро империализм ва фашизмнинг экани чуқур очиб берилган.

Ҳозир Ғарб адабиётида уруш арафасида СССР билан Ғарб мамлакатлари ўртасидаги 1939 йилги Москва музокаралари ва унинг Германия хатти-ҳаракатларининг келиб чиқишига таъсири тўғрисида мунозара бормоқда.

Буржуа тарихчиларининг «асарлари»да совет ташқи сиёсатининг айрим аспектларини холисона кўриб чиқиш ниқоби остида бошқача йўл тутилмоқда.

Жумладан, буржуазия муаллифлари 1939 йилги Москва музокаралари ҳақида фикр юритиб, бу музокараларнинг барбод бўлиш сабаблари тўғрисида шундай деб ёзадилар: «Ғарб мамлакатлари ўшанда Совет Иттифоқини кучсиз деб ҳисоблаганлар. Ўша пайтда у аслида кучли бўлган. Ғарб давлатлари Совет Иттифоқининг асосий куч-ғайрати жаҳон революциясига қаратилган деб ҳисоблаганлар. Ўша пайтда унинг асосий ғамхўрлиги ўз мудофаасини мустаҳкамлаш, ўз халқининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган эди».

Улуғ Ватан уруши тўғрисида буржуача «асар»ларининг кўпчилиги диққат марказида Совет Иттифоқи Ғалабасининг манбалари тўғрисидаги масала турди ва ҳозир ҳам шу масала улар диққат-марказида турибди. Кейинги йилларда уни баён этишда янада антисовет, милитаристик йўналиш авж олмоқда. Буржуазия адабиётида СССРнинг Ғалабасини, фашистлар Германиясининг гўё бой берган ғалабасини тасодифий деб вайсашади.

Фақатгина совет ҳарбий санъатига берилган баҳо билан боғлиқ бир масалага тўхталиб ўтмоқчимиз. Буржуазия тарихчилари, одатда, совет ҳарбий санъати ютуқлари ҳақида лом-мим демайдилар. Мабодо Совет Армиясининг ғалабасини тасвирлашганида ҳам уни қўшинларнинг миқдори бир неча баравар кўплиги натижаси деб кўрсатадилар. Бошқа бир ҳолат ҳам эътиборни ўзига жалб этади: реакцион тарихчиларнинг асарларида Совет Қуролли Кучларининг жанговар ҳаракатларига холисонароқ баҳо беришга даъватлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бу борада иккинчи жаҳон урушининг Ғарбий-Германия тарихи 4-томида айтилган фикр диққатни тортади. У ерда айтилишича, Москва остоналаридаги қарши ҳужум шуни рўй-рост кўрсатдики, совет ҳарбий санъатининг устунлиги туфайли немис армияси мақсадига эришолмади.

Совет тарихчилари урушнинг боришини ва унинг якунларини Америка империализмининг ҳозирги режалари фойдасига бузиб кўрсатувчи буржуа сохтакорларига қарши қатъий кураш олиб бормоқдалар.

Совет халқининг Буюк Ғалабаси, Улуғ Ватан урушида Қуролли Кучларимиз, Армиямиз кўрсатган жасорат —тарихий ҳақиқатдир. Биз тинчлик ва меҳнаткашларнинг интернационал манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида мустаҳкам турамиз.

С. ТАТИБОЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.







З. ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

Улуғ Ватан урушида ғалабага эришиб, Европанн фашизм асоратидан халос этган қаҳрамонлар хотирасига мангу олов ёқилган. Авлодлар ўз халоскорларнни доимо ёдда сақлашади. Пионерлар қаҳрамонлар шарафига салют беришмоқда. Эндигина она сўзини ўрганган ёш гўдак унинг бахти учун курашганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликка талпинади.

Мустаҳкам солдат қўлларн гўдакни баланд кўтармоқда. Бу қўллар ўқув машғулотларида автоматларни ушлашади. Агар керак бўлса — улар Ватан учун жангга киришга тайёр. Ёш жангчилар ўз ота-боболари жасоратига доимо содиқдирлар.

Уруш йилларидаги оғир жудолик оналар қалбида ўчмас из қолдирган. Миниглаб йигит ва қизлар жанг майдонидан қайтишмади. Она-Ватан образини ифодаловчи аёлга ўрнатилган ёдгорлик доимо инсонларни ҳушёр бўлишга ундамоқда.

Уруш йилларида ҳалок бўлганларнинг қалби ҳамон ёшлик туйғуси билан йўғрилгандир. Фақатгина улар эмас ёдгорликлардан жой олган. Қаҳрамонлар шарафига ўрнатилган ёдгорлик — Ватан содатларн эришган жасоратнн асрлар бўйи намойиш қилиб турибди.

Улуғ Ватан урушн йилларида эришилган Буюк Ғалабага муносиб ҳисса қўшганларнн Ватан муносиб тақдирламоқда. КПСС Марказий Комитетида Улуғ Ватан урушн қатнашчиларн билан бўлиб ўтган учрашувда шу нарса таъкидландики, Ғалаба — бу тарихгина бўлиб қолмай, бу — ҳозирги кунимиз ҳамдир. Шу боисдан ҳам совет кишиларн Улуғ Ватан урушн йилларида эришилган буюк жасоратнн доимо ёдда сақлаб, жанг қаҳрамонларнни ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишади.







Маҳаллада нима гап?

МЕДАЛЛАР ТОПШИРИЛДИ

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида Акмал Икромов районидаги Ульянов номли маҳаллада тантанали йиғилиш ўтказилди.

Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг жаҳоншумул аҳамияти ҳақида тарих фанлари доктори Темур Ғиёсов, Буюк Ғалабага Ўзбекистон қўшган ҳисса ҳақида тарих фанлари доктори, профессор Қодир Фозилхўжаевлар сўзлаб беришди.

Шундан сўнг уруш ветеранлари М. Аҳмаджонов ва Т. Усмоновлар босиб ўтган жанговар йўллари тўғрисида ҳикоя қилишди. С. Нўъмонов, Ш. Зайниддинов, Ҳ. Жалилов, Қ. Расулов, А. Қоплонбеков, Ш. Исмоилов, М. Камолов, Қ. Ғуломов каби шу маҳаллада истиқомат қилувчи уруш ветеранларига Ғалабанинг 40 йиллиги юбилей медаллари топширилди.

С. ҒАФУРОВ.

МАРДЛИК СТЕНДИ

Юнусобод массивидаги «Шодлик» микрорайони клубида уруш ветеранлари стенди ташкил қилинди. Стендга бу ерда истиқомат қилаётган Н. В. Горбачёв, З. Р. Лопатин, А. М. Веранюк, Ч. Р. Махсумов, Ф. Х. Исломов, Р. Е. Дуйсенов сингари йигирмадан зиёд Улуғ Ватан урушн қатнашчиларининг расмлари қўйилган.

С. НИШОНБОЕВ.

3 ТОШКЕНТ ШАҲАР ОҚШОМИ
8 МАЙ, 1985 й.

„ТО" спорт ҳафтаси

ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

▲ Сиртқи «Дўстлик» шахмат матчида 1:0 ҳисобида тошкентликлар олдинда боришмоқда. Ғалабада сизнинг ҳам ҳиссангиз бор. Иккинчи тахтада вазият кескинлашди.

▲ Ҳар бир юриш учрашув тақдирини ҳал қилиши мумкин.

▲ 32-юриш қандай бўлиши керак!

Ўтган чоршанба куни, яъни 1 Майда «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газетхонларининг сиртқи шахмат матчида ўттиз биринчи юриш эълон қилинган эди. Кўпчилик мухлисларнинг таклифига кўра c1 катагида турган фил e3 катагига юрилган эди. Бу юришга олмаоталиклар Се7—c5 билан жавоб беришди.

Ҳурматли шахмат мухлислари! Узингиз оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги — 32-юриш қандай бўлиши керак? Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Энг мақбул юришларни таклиф этган газетхонларнинг исм ва фамилиялари газетамизда эълон қилинади.



Ўз таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга йўлланг: 700047, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Таклифларингизни 32-55-32, 33-08-74 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

ЙИГИРМАТА ТАХТАДА



Ўтган шанба куни Ўзбекистон ССР Ҳалқ хўжалиги ютуқлари виставкасида касб байрами — Матбуот куни муносабати билан тантаналар бўлиб ўтди. Унинг программасидан тошкентлик халқаро гроссмейстер Георгий Аъзамов иштирокида бир вақтнинг ўзида йигирмата тахтада сеанс ўтказиш ҳам жой олган эди. Тахта атрофидан республика ва шаҳар газеталари ходимлари, босмахоналарнинг ишчилари, журналистлар, меҳмонлар жой олишди.

Сеанс бошланиши олдидан СССР спорт мастери, тарих фанлари кандидати М. Муҳиддинов қисқача сўзлаб, йиғилганларни республикамизда шахматнинг ривожланиши, бир вақтда ўтказиладиган ўйин шартлари билан таништирди. Шундан кейин сўз хат ва ёзишмалар орқали ўтказиладиган мусобақалар гроссмейстери, СССР спорт мастери Георгий Борисенкога берилди. У «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газетхонлари ўртасида ўтказилаётган сиртқи «Дўстлик» шахмат матчининг боришини шарҳлаб берди.

Бир вақтда ўтказилган сеанс ўйинларини ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз бўлди. Умумий якунда халқаро гроссмейстер Георгий Аъзамов ўн олти тахтада ғолиб чиқди. Тўрт партияда дуранг натижа қайд этилди. Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, шоир Эркин Воҳидов ажойиб ўйин кўрсатди. У партияни ниҳоятда қизиқарли олиб бориб, дуранг натижага эришди. Унга Ўрта Осиёдаги биринчи халқаро гроссмейстер Георгий Аъзамовнинг истаклари ёзилган совға топширилди.

СУРАТДА: Г. Аъзамов билан ўтказилган сеанс лавҳалари тасвирланган.

Т. Каримов фотоси.



«Старт» стадиони югуриш йўлкалари, майдонлари ва сузиш ҳавзаси доимо гавжум. Бу ерда авиасозларнинг ёш фарзандлари учун жисмоний чиниқиш имкониятлари вужудга келтирилган.

СУРАТДА: футбол секциясининг қатнашчилари навбатдаги машғулотни ўтказишмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

СПОРТ КУНДАЛИГИ

● Футбол бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лига коллективлари еттинчи тур учрашувларини ўтказишди. Шарқий зонада пешқадамлик қилаётган Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Москвада Марказий Армия спорт клуби коллективи билан куч синашди. Учрашувнинг биринчи ярмида шиддаткор ва ҳужумкор ўйин кўрсатган москвалик армиячилар тошкентликларнинг дарвозасига икки марта тўп киритишга муваффақ бўлдилар.

Ҳамшаҳарларимиз иккинчи бўлимда вазиятни тенглаштириш учун жуда кўп куч ва ирода сарфлашди. Ҳал қилувчи дақиқаларда ҳужумчиларнинг сусткашликлари, ноаниқликка йўл қўйганликлари учун ҳисоб ўзгармай қолди. Шундай қилиб, «Пахтакор» мавсумда биринчи марта мағлубиятга учради.

Бу зонадаги қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Кузбасс» — «Ротор»—1:0, Хабаровск армия спорт клуби — «Крылья Советов» —3:1, «Искра» — «Звезда» — 0:0.

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни 13 май куни Жиззах шаҳрида «Звезда» командаси билан ўтказади.

● Шайбали хоккей бўйича биринчи лигага ўтиш турнирида иштирок этаётган Тошкентнинг «Бинокор» командаси навбатдаги икки учрашувни сафарда ўтказди. Қараганда шаҳрида «Автомобилист» билан бўлган учрашувда ҳамшаҳарларимиз уюшқоқлик билан ҳаракат қилиб, ғалабага эришдилар. Челябинск шаҳрининг «Металлург» командаси майдонида бўлган беллашувда эса омад челябинскликларга ёр бўлди. Шундай қилиб, Тошкентнинг «Бинокор» командаси келгуси мавсумда ҳам иккинчи лигада иштирок этадиган бўлди. Команда ўз олдига қўйган вазифани бажаролмади.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

8 МАЙ, 1985 й.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

БИР ПИЁЛА ШАРБАТ ЛАЗЗАТИ

БАҲОР ВА ЕЗ ФАСЛИНИНГ ЮҚОРИ ҲАРОРАТЛИ КУНЛАРИДА БИР ПИЁЛА ШАРБАТ ТАШНАЛИКНИ ҚОНДИРАДИ.

У ўзининг хушбўй ҳиди билан роҳат бахш этади.

Чунки уларнинг таркибида витаминлар, фойдали минерал моддалар кўп. Шунинг учун ҳам толиққан кишига «шарбат ичинг» деб маслаҳат беришади. Бунинг учун шарбат қуйилган оғир баллонларни уйга кўтариб олиб бориш шарт эмас.

ГАСТРОНОМЛАРДА ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИДА

ШАРБАТЛАР

ҚУЙИБ СОТИЛМОҚДА

Сиз магазинлардан ноз-неъматларни сотиб олганингиздан кейин шарбатлар сотиладиган жойга ўтишни унутмангиз. Чунки бундай жойларда ҳамиша янги, хушбўй, лаззатли шарбатлар — олма, узум, мандарин, томат шарбатлари сотилади.



ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗКУЛЬТТОРГ»нинг

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ



ҚУЙИДАГИ КИНОКАМЕРАЛАРНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ:

1х8 ҳажмли «СУПЕР» плёнкасида суратга олиш учун **«АВРОРА-215» ва «АВРОРА-219». Объективлар: «АВРОРА-215» — ўзгарувчан фокус масофали мосламали** (Агат-14), **«АВРОРА-219» (Т-55) — тиниқликни созлашдан халос этади. Киноплёнкани зарядлаш кассетали.**

«С» типидаги киноплёнкада суратга олиш учун «КВАРЦ 1х8С-2» КИНОКАМЕРАСИ. Экспозиция автоматик тарзда мосланади. Кучли нур берувчи объективи (нисбий отверствияси 1:1,8) — ўзгарувчан фокус масофали мосламаси бор. Зарядкалаш усули кассеталидир.

2х8С киноплёнкасини суратга олиш учун «Кварц 2х8С-3». Зарядкалаш системаси — катушкалидир. Лентани транспортировкалаш механизми приводи — пружиналидир.

Турелида учта объектив ўрнатилган «Киев 16 У модель Э» кинокамераси. У 16-миллиметрли киноплёнкада суратга олиш учун мўлжалланган. Киноаппарат приводи — электрли (электродвигателдаги 6-8 вольт кучланишдаги доимий токдан қувват олиб ишлайди). Озуқаланиш блоки 127 ёки 220 вольтли ўзгарувчан ток тармоғидаги зарядкалаш мосламасидан қувват олади. Бир секундда 16, 24, 32 кадрни ва бир доналаб кадрни суратга олиш қудратига эга.

«УЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТВ

чоршанба

8 МАЙ

● МТ I

17.55 УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС. Концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время».

23.20 «Муздаги жилолар». Моҳир фигурачиларнинг чиқишлари.

● МТ II

17.55 УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС. Концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время».

23.20 «Фақат учиш эмас...». Телефильм.

● ЎзТВ I

17.55 МОСКВА. УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС. Концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время».

23.20 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Спорт давримиз». Телефильм.
18.30 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Халқнинг буюк жасорати».**
19.00 «Ватан солдатлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Жасурона ва ростгўйлик билан». Кинопрограмма.**

пайшанба

9 МАЙ

УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБА БАЙРАМИ

●МТ I

9.00 «Время».
9.35 **«Халос бўлган дунё унутмайди».** Ҳужжатли фильм премьераси.
10.20 «Фронтда янграган қўшиқлар». Давлат академик рус хори куйлайди.
11.00 Тинчлик велопойгаси. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
11.20 **«Ветеранлар, Сизлар учун».** Музикали кўрсатув.
12.05 **«Ушбу Ғалаба кунида».** Совет шоирларининг шеърлари асосида шеърий композиция.
12.30 СССР Мудофаа министрлигининг биринчи алоҳида намунали духовой оркестри ижросида рус ва совет композиторларининг тантанали маршлари.
12.50 МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОНДА УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШИНЛАР ПАРАДИ. Парад тугагач (14.15) — «Бахтли болалик». Пионерларнинг байрам концерти.
14.45 «Альфа-альфа». Телефильм.
15.00 «Иван Никулин — рус матроси». Бадиий фильм.
16.30 «И. Шамо қўшиқлари». Фильм-концерт премьераси.
16.50 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган киноконцерт.**
17.45 **Информацион кўрсатув.**
17.55 Тинчлик велопойгаси. Москвадан олиб кўрсатилади.
18.20 Халқ куйлари янграйди.
18.50 **«Едингдамн, ўртоқ». Улуғ Ватан урушн ветеранларининг учрашувн ҳақида репортаж.**
19.50 «ФАШИЗМГА ҚАРШИ ЖАНГЛАРДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАРНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ». Бир минутлик сукунат.
20.15 «Сўнгги ҳужум». Бадиий фильм. «Халоскорлик» киноэпопеясидан.
21.30 УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 **«Кремль юлдузлари».** Байрам музикали кўрсатуви.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Концерт. Программада: А. Скрябин. 3-соната, А. Караманов. «Ғалаба» поэмаси.
10.20 «Александр Невский». Бадиий фильм.
12.05 В. Овчинников чалади.
12.20 «Унутмаганлар ҳақида». Телефильм.
12.50 МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОНДА УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШИНЛАР ПАРАДИ. Парад тугагач — «Бахтли болалик». Пионерларнинг байрам концерти.
15.00 **«Санъат усталари — жангчилар ва ветеранларга».** Байрам концерти.
16.30 Мультфильмлар.
17.00 «Биз бу заминни Ватан деб атаймиз».
17.45 «Мен — Хортица». Бадиий фильм.
18.55 «Махфий буюртма». Ҳужжатли фильм.
19.20 Д. Шостакович. 8-квартет.
19.50 «ФАШИЗМГА ҚАРШИ ЖАНГЛАРДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАРНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ». Бир минутлик сукунат.
20.10 Москва шаҳар «Прожектор» Маданият саройининг оркестри чалади.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 **«Ғалаба байроғи ҳақида ҳикоя».** Илмий-оммабоп фильм.
20.55 «Молодость» куйлайди ва рақсга тушади».
21.30 УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 «Старшина». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Зимородок». Бадиий фильм.
11.50 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Биз порлоқ кун келишига ишонардик». Ўзбек шоирларининг шеърлари асосида шеърий композиция (рус.).**
12.20 «Саховатли қалб». Ҳужжатли фильм премьераси («Узбектелефильм»).
12.50 МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОНДА УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШИНЛАР ПАРАДИ.
18.20 Кўрсатувлар программаси.
18.25 «Ҳар доим бўлсин қуёш!» Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати — «Бахтли болалик» болалар рақс ансамбли ҳамда Навоий шаҳар сиёсий қўшиқлар вокал ансамбли иштирокида концерт.
19.05 **Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўмондони, генерал-полковник Н. И. Попов сўзи.**
19.20 **«Тошкентда, Ғалаба кунида».** Кинофильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 МОСКВА. ФАШИЗМГА ҚАРШИ ЖАНГЛАРДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАРНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ». Бир минутлик сукунат.
20.10 «Ахборот».
20.30 **«Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Жангларда янграган қўшиқлар».**
21.30 Москва. УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҚОЗОНГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 **«Ғалабамиз баҳори». Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган байрам кўрсатуви.**
24.00 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.20 Кўрсатувлар программаси.
18.25 «Нотаниш қўшиқ». Телефильм.
18.55 «Ватан солдатлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия (рус.).
19.55 «Жангларда тобланган қўшиқ». Музикали фильм.
21.00 «Мангу олов». Телефильм.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг

КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларини ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ

ҳамда уларга Тошкент шаҳридаги ҳамма ёзги кинотеатрларга

9 МАЙДА ҚИРИШ БЕПУЛ ЭКАНЛИГИНИ ЭСЛАТАДИ

Ёзги кинотеатрларга Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари ҳамда уларни кузатиб борганлар бепул кириш ҳуқуқига эгадирлар.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ

«Бувимизни қайтариб беринг» бадиий фильмида бош ролларни ижро этиш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

5-12 ёшдаги маҳаллий миллат болаларни таклиф қилинади.

КОНКУРС МУДДАТИ — 1985 ЙИЛ 20 МАЙГАЧА.

Душанба, чоршанба, жума кунлари — соат 11.00 дан 15.00 гача, сешанба куни — соат 10.00 дан 13.00 гача Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 17-уй. Республика пионерлар ва ўқувчилар саройи (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси), телефон 44-64-00)га;

Шанба ва якшанба кунлари — соат 11.00 дан 15.00 гача. Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй. «Ўзбекфильм» киностудияси («Бувимизни қайтариб беринг» фильмини суратга олиш группаси, телефон 77-93-40)га мурожаат этилсин.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ «ГЛАВСРЕДАЗНЕФТЕГАЗСТРОЙ» АППАРАТИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Бош технолог (пайвандловчи), катта инженерлар, бошқарма инженерлари; ишлаб чиқариш-иш тақсимлаш, ишлаб чиқариш-диспетчерлик, план-экономика, ОГМ, ОТиЗ бўлимларига катта бухгалтерлар, контроль-ревизия бўлимига бўлим бошлиғи, катта ревизорлар, ревизорлар, кассирлар; катта зоотехник, катта агроном, машинистка, секретарь-машинистка, маиший хизмат бўйича инженер.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/V да **Байрам концерти**, 10/V да **Фирибгарнинг найрангларн** (12.00), **Икки дил достони** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/V да **Маршал Жуков**, 9/V да **Маршал Жуков**, 10/V да **Зебуннисо**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/V да **Тошкентликлар** (20.00), 9/V да **Концерт** (18.00), 10/V да **Гулсара** (18.00)

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Р. Акопян иштирокида **катта цирк томошалари** (9/V да 12, 15, 18.00).

кино

8 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СПОРТЛОТО-82» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ТУСИҚЛАР МАЙДОНИ» — **Мир** (жуфт соатларда), **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ОТРЯД» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«ИНСОНГА НИМА УЧУН ҚАНОТ КЕРАК» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-23), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТАҚДИР» — **Лисунов номли** (17, 20.00).

9 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СПОРТЛОТО-82» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ТУСИҚЛАР МАЙДОНИ» — **Мир** (жуфт соатларда), **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ОТРЯД» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«ИНСОНГА НИМА УЧУН ҚАНОТ КЕРАК» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-23), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТАҚДИР» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00).

КИНОЛЕКТОРИЙ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«КИНО УИЙ»ДА

Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган машғулотлар 11 ва 12 майдан 10 МАЙ соат 13.00, 16.00, 19.00 га ва 13 МАЙ соат 19.30 га КЎЧИРИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИЯТИ

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИЗИЛ КИТОБИ»га киритилган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар — барча турдаги лолалар, ширачлар, пиёзлар, мушук ўтлар, зиғираклар ва бошқа ўсимликларни териб олиш ёки уларга зиён етказиш

ҚАТЪИЯН МАН ҚИЛИНГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Тартибни бузувчилардан қуйидагича жарима ундирилади:

оддий шахслардан — 50 сўм;

мансабдор шахслардан — 100 сўм.

Тошкент область Калинин районидаги 45-ўрта мактаб томонидан **Турлибекова Назира Ёдгоровна** номига берилган 013953 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Қорақалпоғистон АССР Нукус шаҳар Эллиққалъа районидаги ВЛКСМ 50 йиллиги номли 48-ўрта мактаб томонидан **Кушумов Зиналатдин** номига берилган 289911 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги коллективи Маданий-оқартув муассасалари бошқармасининг репертуар-редакцион коллегияси аъзоси А. А. Мигиорова отаси

Абдулла МИГНОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Бош ҳисоблаш маркази коллективи бўлим бошлиғи М. Х. Алимовага онаси

Санталат ҲАКИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,

ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг. Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

Р—12241.